

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“МАДАНИЯТ ВА ТАЪЛИМ: ДАВР
МУЛОҚОТИ”
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

МАТЕРИАЛЛАРИ

(2015 йил 24-25-декабрь)

Бухоро, “Дурдона” нашриёти, 2015

Ўзбекистон Республикаси шароитида куп болалар ёзнинг иссик хароратидан, кишда эса совукдан азият чекадилар. Ёзнинг иссик кунларига ҳам карамай ёш болалар узаро спорт мусобакалари уюштириб туришни яхши курадилар. Натижада иссик таъсирида «куёш уриши» ҳолати руй бериб, организмдаги витаминларнинг парчаланиб кетиши каби ҳолатлар содир булиши мумкин. Шунинг учун ёз ойларида спорт мусобакалари ёки бошқа ишлар куннинг эрталабки ва кечкурунги салкин пайтларида утказилиши лозим. Киш пайтида эса болаларни укиш ва яшаш жойларида иссик муҳит булиш чораларини куриш керак булади.

Ёш организмнинг иммунитет тизимини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол булиб етишишида унга гигиеник, экологик билимларни мукаммал ургата бориш, ҳаётда соғлом турмуш тарзини шакллантира боришида кумакдош булиб туриш, ҳозирги замон педагогикасининг энг долзарб вазифаларидан бири булиб бормокда. Уларни эрталабги бадан тарбияга ургатиш, жисмоний машқлар ёхуд машқлар туркуми орқали уларда жисмоний юкламаларни бажара олиш қобилиятларини ривожлантириш, чиниктириш ҳамда спорт мусобакаларига жалб этиш орқали ҳаётий ҳаракат меъзонларини мувофиқлаштиришда, жисмоний тарбия соҳаси мутах-ассисларининг ҳам масъулликларини янада оширади.

Шундай қилиб, ҳозирги даврда атроф-муҳитда экстремал омилларнинг таъсирини кучайиши одамлар организмга, айниқса, болалар организмда уларнинг салбий оқибатларини купайтирмоқда. Бунинг учун экстремал омилларни кучини камайтириш, ёшларни уларнинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш чораларини куриш ҳозирги даврдаги долзарб муаммолардандир.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИНГ АХБОРОТ ОЛИШ МАСЪУЛИЯТИ ВА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Абдуллаев Йўлчи Зияевич, БухДУ ҳарбий факультети, майор. yulchi-nvo@mail.ru
Шарипов Фозилжон Юсупович, Бухоро политехника касб-ҳунар коллежи**

Глобаллашув жараёнинг жадаллашуви ўзаро алоқадорлик ва таъсир диалектикаси қонунлар асосида илм-фан, маданият тараққиётига, ҳаттоки кишиларнинг феъл атворида, кайфиятига ҳам сезиларли даражада таъсир ўтказмоқдаки, бу ўз навбатида ёшларнинг ижтимоий масъуллиқ туйғуларига ҳам дахл қилмай иложи йўқ.

Жамоатчилик томонидан «инфор-мационализм» деб ном олган феномен кенг қамровли глобализм феноменининг таркибий қисмларидан биридир. Албатта, фан ва техника ютуқларининг инсон турмуш тарзига кириб келиши, кишиларнинг фан ва техникага иштиёқини орттириб юборди. Худди шу ҳолатда, бир томондан, одамларнинг яшаши, ишлаши учун барча қулайликларни яраган бўлса, иккинчи томондан кишиларни, айниқса ёшларни мустақил шахс бўлиб шаклланиши ўз эркинлигини теран англаши унинг, оиласи, миллати ва жамият олдидаги масъулиятини чуқур хис қила олиш фазилатларини маълум даражада заифлаштириб юборди.

Глобаллашув шароитида ёшлар қандай мақсадлар билан яшашпти, уларнинг дунёқараши, тафаккури қайси кадрятлар эвазига бойитилмоқда ёки тўлдирилиши зарур, уларни миллат раънақи, ватанимиз тараққиёти учун фидойилиги, масъулияти қай даражада эканлиги каби ҳаётий масалаларни ҳал этиш ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ёшларнинг эркинлик ва ижтимоий масъулияти онгли муносабатни шакллантиришда яна бир муҳим омил бу ижтимоий муҳитдир.

Ижтимоий муҳитни қай даражада шакллантирилганлигига қараб ёшларда масъулият туйғуси қарор топади ва аксинча. Маълумки, ҳар бир шахс ўз атрофидаги кишиларнинг маънавий мададини сезиб турсагина унинг қобилияти ва инсоний хусусиятларида ўсиш, ривожланиш, ўзликни англаш содир бўлади. Бу жиҳатдан ижтимоий тарбияни амалга оширишда, ижтимоий муҳитнинг роли айниқса каттадир. Агар шахсни қуршаб турган ижтимоий муҳит бузилган, носоғлом бўлса, инсон ҳам бузилиши, жамиятга фойдаси тегмайдиган, фақат ўз манфаати ва қобиғи доирасида фаолият юритувчи кишига айланади. Италиян мутафаккири Данте «*Одамни одам тарбиялайди, дейдилар, гоҳида одамдан одам нақадар тез бузилишини кўриб ҳайрон қоласан*» деб бежиз айтмаган.

Ижтимоий тарбияни амалга оширишда ижтимоий муҳит билан ёшлар характерини шакллантиришда маданий ва тарихий меросни аҳамияти катта. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, характерни панд-насихат, дашном, маъруза шакллантирмайди, характерни муносабат ва ибрат шакллантиради. Ибрат чашмаси эса, олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, «Биз ўз ҳақ - ҳуқуқларини танийдиган, ўз куч ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак».

Бундай умумдават, умумжамят аҳамиятига эга бўлган мураккаб вазифани удаламоқ учун, фуқароларимизни, энг аввало, ёшларимизни иймон-эътиқодини мустаҳкамлашимиз, иродасини

бақувват қилишимиз, уларни мустақил фикрлашга ўргатишимиз, онгида, шуурида миллий ўзликни унутмаслик, ота-боболарини муқаддас қадриятларини асраб - авайлаш ва уни ҳурмат қилиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш лозим бўлса, иккинчидан, шахс мустақиллигини емирган, маънавий қашшоқликни вужудга келиш сабабларини ҳар томонлама ўрганишимиз, уни бартараф этиш йўллари излаб топишимиз зарур. Демак, бугунги ёшлар ҳаёти, турмуш - тарзи, интилишлари, маънавий дунёсига таъсир этаётган ижтимоий воқеликдаги ҳодиса ҳамда жараёнларни моҳияти хусусиятлари дунё миқёсида рўй бераётган глобаллашув жараёнининг инсон руҳияти, онги ва тафаккурига ўтказаетган ижобий ҳамда салбий таъсирини таҳлил этиш ҳолат муҳимдир. Ижтимоий воқеликдаги ҳодиса ҳамда жараёнларга ёшларда онгли муносабатни шакллантириш, уларнинг эркинлик ҳақидаги тасаввурлари, ижтимоий масъулиятга муносабатларини тарихийлик ва замонавийлик ўзаро уйғунлигини таъминлаш асосида қуйидагилар ёшлар турмуш тарзига сингдириб бориш зарур:

- жамиятнинг ҳар бир фуқаросини глобал жараёнларни мулоҳазакорлик билан таҳлил қилишга ўргатиш, уларнинг ахлоқий масъулиятни чуқур ҳис қилишига эришиш;

- шахс эркинлиги оила, маҳалла, давлат ва жамиятни ўзаро уйғунлигида рўёбга чиқишини, хориждан экспорт қилинаётган, разолат ва тубанликка етакловчи «универсал эркинлик» миллат ахлоқи, урф-одати, дину-диёнати, имон-этиқодига мутлақо ёт эканлигини, улар руҳиятига мунтазам сингдириб бориш;

- шарқ кишисига хос фазилатларни юксалтириш асосида ҳар бир шахснинг эркинлик ва масъулиятни чуқур англашга сафарбар этиш ўз амалий фаолиятида демократик қадриятларга таяниш кўникмасини ҳосил қилиш;

- айти пайтда эркинликни том маънода моҳиятан англашда унинг ғарбона (Европача) тамойилларига кўр-кўрона асосланишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Чунки бундай тақдир юқорида таъкидлаганимиздек, қутилмаган оқибатларга, хусусан эркинлик ниқобига ўралган масъулиятсизликка, демократия ниқобига ўралган парокандаликка, бош-бошдоқликка олиб келиши мумкин.

Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас.

Айти пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда - эзулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётини - миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустақам иродага эга бўлмаса, гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги маънавий таҳдидларга, уларнинг таъсирига бардош бериши амримаҳол.

Мухтасар қилиб айтганда, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.

Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув таъсиридан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарни ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.

Президентимиз И.Каримов 2013 йил 1 апрел Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгазининг навбатдан ташқари сессия-сидаги нутқида *«Бугунги ёшлар ҳозирги ахборот воситалари, айниқса Интернет орқали кўп нарсадан хабардор бўлмоқда. Интернет тармогини қандайдир темир девор билан тўсиб, тақиқлаш - бу мутлақо ақлга сизмайдиган иш. Мана, жаҳоннинг айрим минтақаларида, араб дунёсида турли нотинчлик ва қарама-қаршиликлар юз бермоқда. Бу ҳолатнинг сабаблари кўп, лекин уларнинг аксарияти ёшларга, уларнинг ҳаётини манфаатларини ҳал қилишга ётарли эътибор бермаслик натижасида содир бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун барчамиз, биринчи навбатда, вазифада ўтирган раҳбарлар ёшларнинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш, уларга кенг йўл очиб бериш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш бўйича олиб бораётган ишларимизни давр талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, янги босқичга кўтариш зарурлигини ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак»*.

ИНТЕРНЕТ ВА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМИДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ Хуррамова Наргиза Абдирахмоновна, Термиз давлат университети

Summary: In the article is given the maintenance and significance of wide use of modern information-communication system and internet, and its effects for youth education and upbringing.

Туракулов Файзулло, Мукумов Махмуд СТУКТУРА ОБРАЗА ЖИЗНИ МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ	707
Умаров Баҳром ИНТЕРНЕТ ГЛОБАЛ ТАРМОҒИНИНГ ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ.....	709
Berdiyeva Zulfiya Muxiddinovna KOMIL INSON HALOLLIK VA POKLIKNING OLIY TIMSOLIDIR	710
Халилова Хулкар Эргашевна МАЪНАН ЕТУҚ, БАТАНПАРВАР ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ДАВР ТАЛАБИ	711
Tosheva Dildora Iskandarovna, Sayidova Nordona Sayfulloyevna GLOBALLASHUV SHAROITIDA YOSHLAR TARBIYASINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	712
Турдимуратова Насиба Алламуратовна ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШДА ЁШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ.....	714
Хидиров Шокир Ашурмуродович БАТАНПАРВАР ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ОАВ ВА ИНТЕРНЕТ ТИЗИМИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ	716
Турдимуратова Насиба Алламуратовна ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШДА ЁШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ.....	717
Н.И.Хаитова ПОВЫШЕНИЕ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОГО ОБЛИКА МОЛОДЁЖИ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ	719
Рузиев Д.И. ЁШЛАРНИ СОҒЛОМ ВОЯГА ЕТИШЛАРИДА АТРОФ-МУХИТДАГИ САЛБИЙ ТАЪСИРЛАР.	720
Абдуллаев Йўлчи Зияевич, Шарипов Фозилжон Юсупович ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИНГ АХБОРОТ ОЛИШ МАСЪУЛИЯТИ ВА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	722
Хуррамова Наргиза Абдирахмоновна ИНТЕРНЕТ ВА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ- КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМИДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЁШЛАР ТАЪЛИМ- ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ	723
Ю.Ч.Меҳмонова ЁШЛАРДА ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ	725
Ф.А.Файзиева, Ф.Назарова ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСНИНГ АҲАМИЯТИ	726
D.Qarshiyeva SOG'LOM VOLA TARBIYASINING MA'NAVIY NEGIZLARI	726
О.Эргашева БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИ.....	727
М.А.Азизова, М.З.Джураева ШАРҚ ЯККА КУРАШЛАРИНИНГ СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ ВАЗИФАЛАРИ.....	729
Б.И.Адизов КАРЬЕРА МАРКАЗЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ УЧУН ИШГА ЖОЙЛАШИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРАДИ.	730
Қобилов Б.Б., Ниёзхонова Б.Э. АСТРОНОМИЯ ФАНИ РИВОЖИДА ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ЎРНИ	733
Saidova Oydin MUSIQIY PEDAGOGIKA YO'NALISHLARI KONSEPSIYASI	735
Saidov Sohob Sharipovich, S.Saidiy QOMUSIY OLIMLARNING PEDAGOGIK QARASHLARIDA ABU RAYHON BERUNIY USLUBLARI	736
Ahmadova Zebiniso Shavkatovna, S.Saidiy BOSHLANG'ICH SINIF MUSIQIY TA'LIMDA PSIXOLOGIK RIVOJLANISHNING PEDAGOGIK XUSUSIYATLARI	738

